

## ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ – ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.50.34.002>

*Жумаев Рустам Фаниевич,  
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Бухоро давлат  
университети*

*Аннотация. Мақолада эркин фуқаролик жамиятини барпо этишида ҳуқуқий таълим муҳим мезонлардан бири эканлиги асосланган. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараси таҳлил қилинади. Талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириши ва уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришида олий таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил қилиши ва профессор-ўқитувчилар йиллик мураббийлик режаларини тузишига алоҳида эътибор бериши лозимлиги, ахборот соатларида ҳуқуқий тарбияга доир тадбирлар, давра суҳбатларини кўпроқ ташкил қилиши ва уларни самарали ҳамда таъсирчан ўтказиши самарали натижа бериши қайд қилинган.*

*Калит сўзлар: ҳуқуқий таълим, фуқаролик жамияти, адолат, эркинлик, демократия.*

Фуқароларда ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантиришида ҳуқуқий маданиятни ошириш унинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражада ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда барча фуқароларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар фуқаролар онгига сингган ва улар амал қилган тақдирдагина яшайди ва руёбга чиқади.

Мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлар, албатта, халқимиз манфаати, уларнинг фаровон ҳаёти ва биз ёшларнинг келажагимиз учун хизмат қилмоқда. Ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка очиқ-ойдин етказиб бериш, буларни халқимиз онгига сингдириш масаласи муҳим вазифа ҳисобланади.

Фаол фуқаролик позицияси нима деган саволга жавоб берадиган бўлсак, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «фаол» (арабча «ҳаракат қилувчи, таъсирчан») сўзига қуйидагича таъриф берилган:

- 1) бирор ғоявий ҳаракат ёки ишга ғайрат билан, астойдил киришадиган, ишчан;
- 2) бирор жамоанинг ижтимоий ҳаёти, фаолиятида астойдил, берилиб ишлайдиган, жамоатчи;
- 3) ҳаракатчан, кўп ҳаракат қиладиган<sup>2</sup>.

Фуқаролик – фуқаро эъқонлик; фуқароларга оидлик; фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати деган маъноларни беради.

Позиция (лотинча *positio* – ҳолат, вазият):

1) ҳар қандай кишига ёки нарсанинг тутган ўрни, ишғол қилиб турган жойи, мавқеи, ҳолати, вазияти;

2) кўшиннинг мудофаа ёки ҳужум қилиш мақсадида эгаллаб турган ва муҳандислик нуқтаи назаридан жиҳозланган ер майдони;

3) шахмат ва шашка ўйинида доналарнинг жойлашиш ҳолати;

4) бирор масалада тутилган йўл, нуқтаи назар; воқеа-ҳодисанинг муайян баҳоси деган маъноларда келади.

Ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш – ҳар бир болада ўз халқининг тарихи, маънавий қадриятлари, ватанзимнинг имкониятлари ва истиқболни билиш ва кадрлаш, ундан фахрланиш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун дахлдорликни ҳис қилиш, ўз ҳуқуқи билан биргаликда бурч ва мажбуриятларини яхши билиш ҳамда уларни тўлақонли амалга ошириш, ҳар қандай ҳолатда ҳам миллий манфаатларни ҳимоя қила олиш фазилатларини тарбиялаш демакдир.

Ёшларнинг қонунга итоаткорлиги уларнинг юксак ҳуқуқий онглилик, жамият ва давлат манфаатларини чуқур тушуниб етиб, ижтимоий бурч, давлат ва жамият олдигаги жавобгарлик туйғуларида намоён бўлади. Ёшлар қонун меъёрларига жазоланишдан қўрқиб эмас, балки ихтиёрий равишда амал қилишлари зарур.

Бу уларнинг ички эътиқодларига айланмоғи лозим. Қонунларга риоя қилиш одати чуқур анланган эҳтиёж бўлмоғи керак. Бунинг учун ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш лозимдир.

Ҳуқуқий маданият тушунчаси жамият маънавий ҳаёти янгилашининг мураккаб ва кўп қиррали ҳодисасидир. Ҳуқуқий маданият фуқаролар ва турли ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг жамиятда ўрни ва муносабатларига доир турли хил қарашлари, тасаввурлари, ғоялари қонуний асосларининг ифодасидир. Ҳуқуқий маданият ҳуқуққа доир қонуний асосларга мос ҳолда унинг маданиятда ифодаланишидир; белгиланган ҳуқуқий меъёр ва қонунларга мос ҳолдаги фаолият, қарашлар мажмуидир, у маданиятни ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлайди, унинг қонуний асоси бўлиб ҳизмат қилади. Ҳуқуқий маданият қонунларни маданият орқали ифодаланиши ёки маданиятни қонунга мос намоён бўлиши, ҳуқуққа доир қарашлар, тасаввурлар мажмуидир.

Кучли фуқаролик жамиятига эришиш учун фуқаролар жумладан, ёшлар ўз ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга бурч ва мажбуриятларини яхши билишлари зарур. Зеро, инсон ҳуқуқи ва асосий эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг етакчи тамойиллари сирасига киради. Шу сабабли, бугунги ривожланган дунёда ҳар бир давлат инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳавфсизлиги, яшаш шароитини таъминлаш борасидаги халқаро миқёсда қабул қилинган ҳужжатларни ратификация қилган.

Бу ҳужжатларга оғишмай амал қилиш эса фуқароларнинг ҳуқуқий

маданияти қай даражада шаклланганига боғлиқ.

Олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлари жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда

Талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш учун таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг ўрни жуда муҳимдир. Шунини унутмаслик керакки, ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий таълимдан ёки фақат ҳуқуқшуносликни ўқитишдангина иборат эмас.

Таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбия тизими ва шакли талаба-ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига ҳар томонлама ёндашишдан келиб чиқади. Худди шу ерда ҳуқуқий тарбияга элементар ёндашишдан воз кечиш зарурлигини айтиб ўтишимиз зарур. Ҳаётимизда учраб турган ҳуқуқий воқеа-ҳодисаларга ёшларнинг ўзи жалб этилса, ёшларда фаол фуқаролик позицияси шаклланади. Масалан, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилиш, олий таълим муассасаларида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ билиш, уларга амал қилиш, сайлов ишларини олиб бориш каби тадбирлар уларда қонунга бўлган ҳурматни тарбиялашда ёрдам беради.

Олий таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбия самарасини маълум маънода қуйидагилар белгилайди:

- биринчидан, ўқув жараёнига комплекс ёндашиш;
- иккинчидан, ижтимоий фанлар асосларини ўрганишда аниқ билимларни моҳирлик билан ажрата билиш;
- учинчидан, олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни режалаштиришда ҳуқуқий тарбияга қаратилган тадбирларнинг таъсирчан усулларни аниқлаб олиш;
- тўртинчидан, талабалар турар жойларидаги маънавият хоналарини ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган газета ва журналлар билан таъминлаш;
- бешинчидан, ҳозирги кунда ёшларни аввало илмий дунёқараш, онглилик, юксак ахлоқ, ватанпарварлик ва миллий қадрият руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг онги, ахлоқий қарашлари ва хатти-ҳаракатларини шакллантиришга бошқа омилларнинг биргаликда таъсир этишини таъминлаш муҳимдир.

Ҳуқуқий тарбияга комплекс ёндашишни тўғри тушуниш учун унинг умумий ва махсус томонларини тўғри ва аниқ асослаб олмоқ керак. Бунда:

- ҳуқуқий тарбиянинг ижтимоий аҳамияти;
- ҳуқуқий тарбияга комплекс ёндашишни таъминловчи қоидалар;
- ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни шакллантирувчи усул ва шакллар;
- ҳуқуқий тарбия жараёни самарадорлигини оширишдаги асосий фактларга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Ўқув жамоаларида ҳуқуқий тарбияга комплекс ёндашиш қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳуқуқий тарбиянинг мафкуравий, сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбия билан ўзаро алоқаси; ёшларнинг

турар жой ва ўқув жамоасида ҳуқуқий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни режалаштириш ва ўтказиш;

ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича ишларни талаба-ёшларни дам олиш ва яшаш шароитларини яхшилаш орқали такомиллаштириб бориш;

ёшларда ҳуқуқий онгни шакллантиришда улар ўртасида намунавий жамоат тартиби, оталикқа олиш, фаолликлари учун мусобақа ва ҳаракатлардан моҳирона фойдаланиш; оиланинг ўқув ва меҳнат жамоаларининг ҳуқуқий тарбиявий таъсирини мувофиқлаштириб биргаликда фаолият юритиш; ҳуқуқий тарбия жараёни самарадорлигини ўрганиш, бойитиш ва ижобий тажрибаларни кенгроқ ёйиш ҳамда кўзланган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан назорат ўрнатиш. Ҳар қандай тарбиявий иш тарбияланувчининг ўзининг шахсий ахлоқий ички шароитлари ҳаракати билан самаралидир.

Ҳуқуқий тарбияда самарадорлик тушунчасига тўхталадиган бўлсак, уни ижтимоий моҳиятидан келиб чиқиб қўйидагича асослаш мумкин:

ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси самарадорлиги деганда, мавжуд тарбия воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда, оптимал муддатда ва энг кам маънавий, моддий ва ташкилий харажатлар билан ёшларнинг ҳуқуқий билимларни эгаллашлари, уларнинг эътиқоди, асослари ва амалий ҳаракати кўрсатмалари жамият талаблари билан мувофиқлашганлиги тушунилади.

Ҳуқуқий тарбия самарадорлигини оширишнинг яна бир муҳим томони шундаки, тарбиячининг ўзи зарур ҳажмдаги ҳуқуқий билимлар билан қуролланган ва ёшларда ҳуқуқий онгни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш услубиятини яхши эгаллаган бўлиши лозим. Ёшлар ҳуқуқни билса, тасаввур қилса-ю, аммо ҳуқуқий кўрсатмаларни ижро этишга пассив муносабатда бўлса, бу ҳолат ёшларда фаол фуқаролик позицияси шаклланмаганлигини яққол кўрсатади.

Бундан ташқари, ҳуқуқий тарбия самарадорлигини ошириш йўлларида кенг фойдаланган ҳолда самарадорлик даражасини ўлчаш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, таълим-тарбиянинг асосий мақсади – ёшларда шахс сифатида юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан иборатдир.

Ахлоқ бўлмаса инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшлар вазифаларини онгли равишда бажаришлари давлатнинг ҳуқуқий-демократик талабларига мос келади. Аммо бунинг учун ҳуқуқий маданиятга эришмасдан, яъни қонунларни билмасдан ва уларга изчил риоя қилмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ва уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда олий таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил қилиш ва профессор-ўқитувчилар йиллик мураббийлик режаларини тузишга алоҳида эътибор бериш лозимдир. Ахборот соатларида ҳуқуқий тарбияга доир тадбирлар, давра суҳбатларини кўпроқ ташкил қилиш ва

уларни самарали ҳамда таъсирчан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, талабалар ва олий таълим муассасалари ўртасида ҳуқуққа доир турли хил кўрик-танловлар ва махсус илмий-амалий анжуманлар ўтказиб туриш ҳамда катта танаффуслар пайтида таълим муассасасининг радиоузелида талаба-ёшларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида маълумотлар бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев, Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. - 56 б.

3. Мирзиёев, Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент : “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. Жумаев Рустам Ганиевич. Аҳмад Донишнинг “Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи” - Бухоро амирлиги сиёсий тарихига оид муҳим манба. <https://www.internauka.org/authors/zhumaev-rustam-ganievich>

4. Жумаев Р. Г. XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг илмий-назарий таҳлили (Аҳмад Донишнинг сиёсий қарашлари мисолида). <http://library.ziyonet.uz/uz/book/108973>

5. Жумаев Р.Г. Раҳбарлик масаласи Аҳмад Дониш нигоҳида // Давр, жамият ва ахборот. Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2011. – Б. 135–141.

6. Жумаев Р.Г. Аҳмад Донишнинг фуқаролик жамиятига оид қарашлари // “Ўзбекистон демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2012. – Б. 199–200.

7. Жумаев Р.Г. XIX асрда Бухоро амирлигида таълим тизими ва жараёнлари // Бошланғич таълим асослари ва усулиёти. III. Илмий-методик мақолалар тўплами. – Тошкент, 2016. – Б. 169-171.

8. Жумаев Р.Г. Аҳмад Дониш – жисмоний камолот ва инсон саломатлиги хусусида (“Наводир ул-вақое” асари асосида) // “Хотин-қизлар спорти: имкониятлар ва истиқболлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2017. –Б. 141-143.

9. Жумаев Р.Г. Аҳмад Дониш шахси ва фаолиятини ўрганишнинг истиқлол даври тарихшунослигига доир // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2017. -№ 3. – Б. 131-135.